

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

Fidoyilik —  
vatanga xizmat demak!

2022-yil 26-mart, shanba,  
35 (23.602)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Ҳали кўп нарсани  
билмаслигини тан  
олиш — иқроф,  
билмаганини  
билишга  
интилмаслик —  
гофиллик

# Барча режа ва мақсадлар инсон қадрини улуғлашга қаратилган

**25 март куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳоқими Э.Турдимов бошқарди.**

## МАЙ ОЙИДА МАҲАЛЛАЛАРДА САЙЛОВ БЎЛАДИ

Дастлаб вилоятда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ваколат мuddати тугаши муносабати билан жорий йилнинг май ойида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови ўтказилади. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 16 март куни ўтказилган мажлисида бу ҳақда қарор қабул қилиниб, фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тuzилди.

Сессияда иштирок этган Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси, республика комиссияси аъзоси Н.Умаров сайловни қонун талабларига мос равишда, очик ва ошқора ташкил этиш юзасидан ўз фикрларини билдирди. Вилоятдаги 1126 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни юксак савидада ўтказиш, бу жараёнда депутатлар ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги кайд этилди.

Сессияда вилоятда 2022 йил май ойида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг 27 кишидан иборат таркиби, амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари тахририяти бош муҳаррири Ф.Товеш комиссия раиси этиб тасдиқланди.

## КЕНГАШ КОТИБИЯТИ МУДИРИ ЎЗГАРДИ

Шу пайтгача халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудирини лавозимда ишлаган Шерали Йўлдошев яқинда Нуробод тумани ҳоқими этиб тайинланди ва котибият мудирлигидан озод этилди.

Депутатлар Каримов Зафар Нуруллаевични халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудирини лавозимига тасдиқладилар.

Шунингдек, сессияда Ойбек Ходжаевни вилоят ҳоқимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташки савдо бошқармаси бошлиги лавозимидан озод этиш ҳамда ушбу вазифага Мирзабеков Ойбек Алибековични тасдиқлаш тўғрисидаги, Илмуратов Аббор Ураловични вилоят ҳоқимлиги инжиниринг компанияси директори вазифасига тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳоқимининг қарорларини ҳам тасдиқланди.

Депутатлар меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туризм ва туризм хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган Ургут тумани туризм хизматлари чегараларини белгилаш, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар.

## ҚУРИЛИШДА ҚИҲРИКЛИК КЕТМАЙДИ

Сессияда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан вилоят прокурори Ж.Ҳатамов ҳисобот берди.

Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги "2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига кўра, 2022 йилда вилоят бўйича 150 та (шундан 31 таси йилдан-йилга ўтувчи) объектни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган бўлиб, 24 март ҳолатида 106 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган, 13 таси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Қурилиш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган барча объектлар пудратчилари "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги электрон тендер савдолари орқали танланиши, қурилиш-таъмирлаш жараёндарида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги, қурилиш ишларида муаллифлик, техник ва давлат назорати

олиб борилишини таъминлаш ва аниқланган камчиликлар ҳақида штабга ахборот бериб бериш тизими йўлга қўйилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси ва унинг туман-шаҳар бўлимлари томонидан дастурлар ижроси давомида коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бюджет маблағлари талон-торож қилинишига имкон берувчи ҳолатларни тезкор ўрганиш белгиланган.

Дастурга киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги иш ҳажмларининг тўлиқлиги ва унда қўлланилган қурилиш материалларининг асосланганлиги лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда жойига чиққан ҳолда ўрганилмоқда. Ўрганишлар жараёнида Пайариқ туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабини реконструкция қилиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида ораёлма плиталар сонини ошириб кўрсатилиши натижасида объект қиймати сунъий равишда 119,7 миллион сўмга ошириб кўрсатиш орқали 47 миллион сўм, Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактабни реконструкция қилиш объекти сметасида материал харажатларига 206 миллион сўм ортиқча кўрсатилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан прокуратура органлари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Сессия кун тартибига кўра, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги Р.Маматовнинг 2021 йил давомида вилоятда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланишича, ўтган йил вилоят ҳудудидаги маҳаллаларнинг 332 таси (29,6 фоизи) да жиноят содир этилмади. 791 та маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилган бўлиб, шундан 390 таси "сарик" (жиноят барқарор ва қамайган) тоифага ва 401 таси "қизил" (жиноят ошган) тоифага киради.

2021 йилда вилоят бўйича 749 та ўғирлик, 1271 та фибрибарлик ва 1129 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Ўғирлик жиноятларининг 365 таси тунги вақтда амалга оширилган.

Жиноят қидирув соҳасида қайд қилинган 4501 та жиноятнинг 1271 таси ёки ҳар тўртинчиси фибрибарлик жиноятларини ташкил қилиб, ушбу жиноятларнинг умумий сонини 2020 йилга нисбатан 61 фоизга кўпайтган.

2021 йилда содир этилган 56 та қотиллик жиноятининг 18 таси оила-турмуш доирасидаги келишимовчиликлар оқибатида келиб чиққан. 2022 йилнинг ўтган икки ойида жиноятчиликни жийовлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида умумий жиноятлар 3 тага, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар эса 2 тага қамайд. Қайд этилган 777 та жиноятнинг 376 таси ҳодимларнинг ташаббуси билан аниқланди.

Р.Маматов вилоятни жиноятчиликдан холи ва хавфсиз ҳудудга айлантириш мақсадида маҳаллаларда янги тизим жорий этилишини маълум қилди. Мазкур янги тизим тажриба тарикасида "қизил" тоифага кирувчи Самарқанд шаҳридаги Хунармандлар ва Ургут туманидаги Терак маҳаллаларида йўлга қўйилди. Бунда маҳалладаги ҳар бир масъулнинг – раиснинг ҳам, профилактика инспектори, ҳоқим ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар билан ишловчи ходимнинг ҳам ўз вазифаси бўлади. Улар ўзаро ҳамкорликда ишлайди.

Сессияда шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги З.Шодиёва, Паст Даргом тумани сектор раҳбарларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлақо янгича ташкил этиш ва келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида туман ҳоқими Ш.Худойбердиевнинг ҳисоботлари эшитилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Кенгашининг қарорлари қабул қилинди.

## Мулоқотдан сўнг

**18 март куни Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқот шаклида учрашув ўтказди.**

Учрашув олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлигини, муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бу борада жамоатчилик фикрини билиш мақсадида "Call-марказ" ташкил этилиб, мурожаатлар қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳудудий бошқармаларда тезкор штаблар ташкил этилди. Ҳар бир таклиф, муаммо, ташаббус қайд этилди. Шу жараёнинг ўзида кўплаб муаммоларга ечим топилди, таклифлар қабул қилинди.

## Сўхрб ЗАЙНИЕВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари:

– Мулоқотгача вилоятимиздаги тиббиёт ходимлари ва аҳолидан 1473 та мурожаат келиб тушди. Бу мурожаатларнинг 292 таси даволашига ёрдам, 103 таси ишга жойлаштириш, 93 таси тиббий хизмат кўрсатилишида кўмак масалаларига доир бўлса, 985 таси соҳа ривожига оид таклифлар эди. Айтиш керакки, уларнинг деярли барчаси мулоқотга қадар ижобий ҳал этилди. Мухим таклифлар, албатта, вақти билан дастурларга киритилиши белгиланди.

Учрашувда тиббиёт ходимларини қийнаб келаятган бир қатор муаммоларга ечим топилди. Бир қатор янгиликлар жорий этилади. Хусусан, тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, уларни аҳолига янада яқинлаштириш учун алоҳида дастур қабул қилинади. Энг аввало,

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН



"103" тез тиббий ёрдам хизмати республика, вилоят, шаҳар ва туман даражасида ягона бошқарув тизимига бирлаштирилади. Энди Тошкент шаҳри тажрибаси асосида, ҳар бир вилоятда тез тиббий ёрдам бўйича автоматлашган бошқарув тизими жорий қилинади.

2022-2023 ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларига давлат грантлари асосида қабул квоталари, ҳудудларда шифокорларга бўлган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, мақсадли ошириб борилади.

Ўз маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган, бу борада шахсий намуна бўлган тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари учун "Халқ саломатлиги посбони" кўкрак нишони таъсис этилади.

## Латиф РУСТАМОВ, вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиги ўринбосари:

– Коронавирус пандемияси тиббиёт

тизими, хусусан, санитария-эпидемиология соҳасини ҳам жиддий синовдан ўтказди. Бу жараёнда тизимдаги қатор муаммолар кўриниб қолди. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида бунга ҳам эътибор қаратди. Хусусан, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказлари моддий-техник базасини мустақамлаш учун 165 миллион АҚШ доллари миқдорига дастур амалга оширилиши белгиланди. Шу йилнинг ўзида Ургут, Тойлоқ, Нуробод, Иштихон, Жомбой бўлимлари учун янги бинолар қурилади. Каттақўрғон, Нарпай, Самарқанд, Паст Даргом туманлари ҳамда Самарқанд шаҳар бўлимлари бинолари капитал таъмирланади. Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан барча шаҳар ва туман санитария-эпидемиологик осойишталик бўлимларидаги ускуналар янгиланади.

Бундай имкониятлар юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустақамлашга хизмат қилади.

Г.МЎМИНОВА ёзиб олди.

# 22 йўналишда қасбий таълим, қонуний меҳнат миграцияси,

иш ўрганишга қаратилган амалий машғулотлар...

**Булар Самарқанд шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази томонидан ишсиз фуқароларга берилаётган имкониятларнинг бир қисми, холос. Вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан ташкил этилган пресс-турда марказдаги шу каби қулайликлар билан ҳам танишдик.**



2021 йилнинг 5 майида ташкил этилган марказда бугунга қадар 1048 нафар ишсиз фуқаро ўз қизиқиб бўйича касбга ўқитилиб, тегишли сертификатларга эга бўлди. Эътиборлиси, тингловчиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолгани йўқ, шу кунгача битирувчиларнинг 90 фоизи бандлиги таъминланган.

– 102 та ташкилотга ҳамкорлик шартномаси асосида зарур кадрларни етказиб берилапти, – дейди мономарказ директори Дилшод Пардаев. – Асосан аёллар сартароши, тикувчи, пайвандчи, электр тармоғи муҳандиси ва ошпазларга талаб катта. Иш жараёнида бу инobatга олинмоқда, албатта. Жумладан, марказда тикувчилик йўналишидаги гуруҳлар сонини учтага етказилди. Ҳозирда эшитишида нуксон бор 15 нафар хотин-қиз ҳам касб сирларини ўрганмоқда.

Тикувчилар хонасида тингловчиларга дарсни бир вақтининг ўзида иккита мутахассис тушунтирмоқда. Улардан бири маҳоратли тикувчи бўлса, ик-

кинчиси унинг сўзларини таржима қилаётган сурдопедагог. Ҳа, мономарказда эшитишида нуксон бор фуқароларни касбга ўқитиш учун сурдопедагог штати очилди. Тингловчилар устозининг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатишмоқда.



Улардан бири билан сурдопедагог ёрдамида суҳбатлашдик.

– Ўқишни бошлаганимга бир ой бўлди, – дейди пайариқлик Рўзиў Усмонова. – Мономарказда ташкил этилган тадбирда қатнашиб, унда касб ўрганаёт-

ган тенгдошларим маҳоратига ҳавас қилган эдим. Мана, ўзим ҳам тикувчиликни ўрганиш учун келдим. Ўқишни тугатиб, туманимиздаги фабрикалардан бирига ишга кирмоқчиман. Ҳозирча марказ ётоқхонасида турибман. Бу ерда барча қулайликлар бор. Дилдора опа (сурдопедагог) ҳар бир ишимизда бизга кўмак берапти.

Мономарказда шунингдек, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, иссиқхона технологияси, заргарлик, косметолог, қандолатчи сингари меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 22 та йўналишда касблар ўргатилмоқда.

– Жомбойдан келиб, устозликни ўрганилман, – дейди маиший уй-рўзгор электротехника буюмларини тuzатиш устасчилиги бўйича ўқийётган Жаббор Донақулов. – Уйимдан устахона очмоқчиман. Бу ерда бизга хунара ўргатиш билан бирга, тадбиркорликдан ҳам сабоқ беришмоқда.

Вилоят бандлик бош бошқармаси маълумотига кўра, вилоятимизнинг олис туманларида 38 та касбга ўқитиш масканлари ташкил этилган. Йил якунигача ҳар бир туманда камида 7

устахона очмоқчиман. Бу ерда бизга хунара ўргатиш билан бирга, тадбиркорликдан ҳам сабоқ беришмоқда. Вилоят бандлик бош бошқармаси маълумотига кўра, вилоятимизнинг олис туманларида 38 та касбга ўқитиш масканлари ташкил этилган. Йил якунигача ҳар бир туманда камида 7 устахона очмоқчиман. Бу ерда бизга хунара ўргатиш билан бирга, тадбиркорликдан ҳам сабоқ беришмоқда. Вилоят бандлик бош бошқармаси маълумотига кўра, вилоятимизнинг олис туманларида 38 та касбга ўқитиш масканлари ташкил этилган. Йил якунигача ҳар бир туманда камида 7

Асқар БАРОТОВ.

## Бизнинг суҳбат



# "ЯКАНШИК" АСЛИДА ЗИЁРАТГОҲ

**Жомбой тумани ҳоқими ҳақида ижтимоий тармоқ ёки кундалик суҳбатларда салбий фикрга дуч келмаганмиз. Бошқарувда аксарият ҳолларда раҳбарнинг шахсияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода табиатан кўнгилчан бўлган Қюм Собиров Жомбой туманида қандай ишлаётгани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Биз у кишига бу борада айрим саволлар билан мурожаат қилдик.**

(Давоми 2-саҳифада) >>>

# “Яканшик” аслида зиёратгоҳ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Қаюм Ҳамроевич, назаримда ҳали-ҳамон аксарият мутасаддилар биринчи раҳбар ёки юқори турувчи идоранинг аниқ кўрсатмаси ҳамда топшириғи бўйича ишладан қутулмаётгандек. Яъни, вазифаларни ижодий ёндашув орқали бажаришга интилмайдими, деган тасаввурлар бор. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

- Мамлакатимизда сўнгги беш йил ростмани шиддатли ислохотлар билан кечди. Бирор соҳа қолмадики, давлат раҳбари алоҳида эътибор қаратиб, ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг аниқ механизмларини кўрсатиб бермаган бўлса. Бу янги давр ҳар бир раҳбардан катта куч, салоҳият ва билим талаб қилади. Мутасаддилар бундан буюн масалага мустақил, ижодий ёндашишни уйдирмаган экан, олдига солиш қийин кечади. Фикримча, ҳар бир мавзуга, муаммонинг илмий ечими бор. Президентимиз илмга таяниб иш қилиш зарурлигини такрор ва такрор таъкидлаётгани бежиз эмас.

Келинг, шу ўринда бир мисол келтирсан. Пандемиядан сўнг ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, реал даромадларни ошириш ҳокимларнинг биринчи навбатдаги вазифаси этиб белгиланди. Фаоллар, туман жамоатчилиги билан кенгашиш ҳолда ишни аввало, ушбу масаланинг илмий ечимини аниқлаб олишдан бошлади. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Туманимизга иқтисодиёт, туризм, санао ва бошқа соҳалардаги юқори билимга эга олимлар сафарбар этилди. Улар билан қарийб бир йил давомида Жомбойни комплекс ривожлантиришнинг ўсиш нуқталарини белгилаб олдик. Шу асосда амалий ишлар олиб борилди. Энди қайси маҳаллада қайси тармоқни ривожлантириш яхши самара беради, деган саволга жавобимиз бор. Демокриманки, бошқарувда илмга ва ижодий ёндашувга таяниб иш қилиш албатта, ўз самарасини беради.

- Аксарият туманларда бўлгани каби Жомбой туманида ҳам вилоятни боғловчи шохбекат йўқ. Ваҳоланки, бу қулайлик, яъни автостанция қурилиши ўз навбатида марказда муайян хизматлар ривожига ҳам хизмат қилиши тайин. Аини шу масалада ҳам мутахассислар билан фикрлашиб, муайян режалар белгиланганми?

- Транспорт тизимини тартибга солиш шаҳар ва шаҳар типидagi туманлар учун долзарб масала ҳисобланади. Аммо Жомбойда автостанция йўқ эмас.

“Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, Жомбой тумани Мустақиллик кўчасида тadbиркорнинг 150 миллион сўм ва 350 миллион сўм банк кредит маблағи ҳисобидан автостанция қурилиши белгиланган.

Шу мақсадда “Жомбой транс сервис” масъулияти чекланган жамиятига 0,30 гектар майдон ажратиб берилган. Ҳудудда замонавий шароит ва имкониятларга эга автомобиль тўхташ жойи қурилиб фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, 2021 йилда Галакапа кўчаси ҳамда туман ҳокимлиги биноси яқинида автомобиллар вақтинча тўхтаб туриш майдони барпо этилди.

- Туризмни ривожлантириш масаласида амалга оширилаётган ишлар асосан ҳукумат назорат қилаётган лойиҳалар билан боғлиқ қилиб, ҳудудий бошқарув органларининг ташаббуси сезилмаётгандек.

Бу борада Жомбой туманида Яканшик, илмий манбаларда Якимшайх ва бошқа номлар билан аталадиган жойни мисол

келтириш мумкин. Чунки кўп йиллар у ердан одам оёғи узилмайди, аммо эътибордан четда қоляпти, менимча.

- Аслида юртимизда зиёрат туризми минг йиллардан бунё мавжуд. Бу борада ўзига хос қадрият ва аъёналар шаклланган. Галдаги масала уни янада ривожлантириш, ҳар бир ҳудуд мисолида бунга алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Бу фикрни Яконшайх қишлоғи мисолида ҳам айтиш мумкин. Туманга раҳбар бўлиб келган дастлабки ойларданок бу жой ҳақида жиддий бош қотирганмиз.

Халқ тилида Яканшик деб аталган бу маскан аслида зиёратгоҳ эканини кўпчилик билмайди. Комилхон Каттаев, Мирзо Меҳрождидин, Амридин Бердимуродов каби олимлар билан сўхбатлар асосида билдикки, бу жойда Ясавия тариқати намояндаларидан бири, улуғ шоир, тасаввуфшунос олим Камолдин Окониий-Алиободий ҳазратлари мангу кўним топган экан.

Тўғри, ҳудуддаги тартибсиз манзара киши дилини хира қилади. Ҳудудни ободонлаштириш, кўчаларнинг тартибсизлиги, маҳаллий туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳа тақдирлари ишлаб чиқилган. Аини кунларда тadbиркор ва ҳомиёлик маблаглари ҳисобидан қишлоқдаги бозорни ҳам, зиёратгоҳни ҳам қайта реконструкция қилиш режалаштирилган.

Бу каби ишларни нафақат Яконшайх зиёратгоҳида, балки Шайх Абдулазиз Шамсулайимма Ҳолвойи, Шайх Худойдод Вали мақбаралари, Саидхамд Сиддиқий Ажзий мактабида ҳам амалга оширишни мўлжаллаганмиз.

- Қаюм Ҳамроевич, вакиллик органига нисбатан ижобий кайфиятдаги ҳоким сифатида ҳам кўпчиликка ибрат бўляпти. Мисол учун, ҳоким бўлсангиз-да, ҳали депутатликка сайланмаган пайтларингиз сессия пайти президиумга чиқмаганингиз, кейинчалик ҳам депутатларнинг фаоллигини кўллаб-қувватлаб келаётганингизни айтиб ўтиш мумкин.

Лекин туман кенгашига сайланган ҳамма депутат ҳам шунга муносиб ҳаракат қилаяптими? Депутатларнинг қайси ишларини туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди, деб айта оласиз?

- Депутатларимиз орасида чинакам фидойи, одамлар дарду ташвиши билан елиб-югурадиганлари кўп. Асосийси, бугун вакиллик органи аъзолари кечаги кайфиятдаги халқ ноиблари эмас. Уларни фақат кўл кўтариб-тушириш учунгина сессияга келади, деб айтолмаймиз. Қолаверса, ахборот беришга етарли даражада тайёргарлик кўрмаган раҳбарлар ҳисоботи депутатлар томонидан рад этилаётгани, ўз округида яшайдиган аҳоли муаммоларини сессия кун тартибига дадиллик билан киритаётгани фикримиз тасдиғидир.

Депутатларнинг туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутаятган ишларига келсак, эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш ва тегишли дафтларга киритишга адолатли таъминлашга қаратилган фаолиятини алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Чунки яширишга ҳожат йўқ, маҳалла раислари орасида кам таъминланган оилаларга ажратилган моддий ёрдамга қўл чўзишга уринганлари ҳам учради. Улар ўз вақтида аниқланишида, ҳаммаси қонуний бўлишида халқ ноибларининг хонадонбай ўрганишлари, ижтимоий фаоллиги қўл келди.

Ўрни келганда айтиш жоиз, Президентимиз илгари сураётган ташаббусга кўра, яқинда ҳокимлар Кенгаши раиси бўлмайдиган механизм яратилади. Тажрибадан келиб чиқиб айтаман, бу энг оқилона йўл.

**Ё.МАРҚАЕВ** сўхбатлашди.

“Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга бўлган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, профессор-ўқитувчиларнинг 2021 йилдаги педагогик ва илмий фаолиятини баҳолашда скопус журналларига мақола ёзиши белгиланган. Университетларнинг рейтингини аниқлашда академик обрў-эътибори, илмий ишларига ҳавола бериш кўрсаткичи (айнан шу кўрсаткич скопус журналларига мақола ёзиш билан боғлиқ), битта ўқитувчига тўғри келувчи талабалар сони, иш берувчилар орасидаги обрў-эътибори каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Педагогик фаолиятини баҳолаш ҳар бир мамлакатнинг, олий таълим муассасасининг ички иши. Бу масала бўйича қуйидаги фикрларни билдирмоқчиман.

# “СКОПУС”га мақола ёзиш муҳимми ёки яхши мутахассис тайёрлаш?

Педагог мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртиларида профессор-ўқитувчиларнинг асосий иши педагогик фаолият. Ҳозирча уларнинг ўқув юкларини жуда кўп. Масалан, мен доцент сифатида 2021-2022 ўқув йилида 849 соат юкларимни бажаришим керак, унинг 638 соати аудитория дарслари.

Ҳозир мамлакатда деярли ҳамма соҳалар бўйича малакали мутахассис этишмайди. Мутахассисларни эса ОТМлар тайёрлайди. Бунинг учун ўқув режа, фан дастурлари, ўқув адабиётлари, лаборатория асбоб-ускуналари сифати ва сони бўйича етарли бўлиши керак. Шундай база билан ишлайдиган саводий профессор-ўқитувчи университет талабига жавоб берадиган талабадан малакали мутахассис (бакалавр, магистр) тайёрлаши мумкин.

Скопус базасига кирувчи илмий журналларга мақола ёзиши мумкин бўлган профессор-ўқитувчи журналларда чиққан мақолаларни ўқиши ва уларга мақола ёзиш учун инглиз тилини билиши керак. Совет даврида ўқиганлар рус тилини, кейинги авлод, яъни ёш профессор-ўқитувчиларнинг жуда оз қисми инглиз тилини билади. Масалан, СамДУ кимё факультетида мен билан бирга ишлаётган 75 га яқин профессор-ўқитувчининг қарийб 70 фоизи ёшлар, уларнинг атиги 5 нафари инглиз тилида ўқийди, ёзади ва мулоқот қила олади.

Ҳар бир фаннинг, соҳанинг долзарб муаммолари нималардан иборат эканигини билиш учун инглиз тилини билган профессор-ўқитувчи ўз соҳасига тегишли илмий адабиётларни мунтазам ўқиб бориш билан бирга, халқаро конференция, анжуманларда қатнашиб, маърузаларни эшитиши ва мутахассислар билан фикр алмашиши халқаро ҳамкорликка йўл очиши керак. У ўзининг илмий имкониятини, фаолиятини тегишли даражада сақлаб туриши учун аудитория юкларини хорижий илгор университетлардаги каби 200-250 соатдан ошмаслиги лозим.

Табиий фанлар соҳасида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг, олимларнинг аксарияти экспериментал, тажрибавий соҳаларда ишлайди. Скопус базасига кирувчи журналлар тажрибавий илмий ишларга ўзига хос талаблар қўяди. Масалан, тажрибавалар замондан орқада қолмаган асбоб-ускуналарда, ишончли намуналар билан ўтказилиши керак. Афсуски, бундай талабларга жавоб берадиган асбоб-ускуналар аксарият ОТМда йўқ. Ҳатто илгари фақат қоғоз ва қалам билан қилинган назарий физикадан фарқли, замонавий физика билан шуғулланган катта маълумотлар базаси билан ишлаш ва рақамли тажрибалар ўтказиши талаб қилади. Бу ишларни эса замонавий компьютерларсиз бажариш мумкин эмас.

Ўзбек олимларининг халқаро анжуманларда қатнашиши учун АҚШнинг Travel CRDF

Global ташкилоти ўз ҳисобидан бир неча марта (уч марта бориб келганлар ҳам бор) ҳамма харажатларни кўтарди. Уларнинг аксарияти халқаро олимлар ҳамжамиятига қўшила олмади. Бунинг сабаби, биринчиси – тил, иккинчиси – билим, талабга жавоб берадиган асбоб-ускуна ва янги фикрларнинг йўқлиги. Демак, улар сайёҳ сифатида бориб келишди, холос. Нима учун икки-уч марта бориб келгандан кейин ҳам аравани мустақил тортолмадилар? Бунинг сабаблари ўрганилмади ва тегишли хулоса чиқарилмади. Буйруқбозлик билан рейтинг кўтаришга ўтилди. Оқибати нима билан туғганини ўтган йили ҳаммамиз кўрдик. Ахир юқорида айтилган сабабларга кўра, илмий ишнинг савияси паст бўлгандан кейин тўғри йўл қолиб, қинғир йўللари топишга ҳаракат қилади-да! Анчинлариси, бу иш учун шахсий чўнтақдан ва давлат хазинасидан қанча пуллар ҳавога совурилди. Яна бунинг сабаби ўрганилмади.

Агар биз ОТМларда малакали мутахассис тайёрлашни йўлга қўйсак, скопус режаси ҳам табиий равишда йўлга тушади. Шунинг учун олдин мутахассис тайёрлаш. Мамлакат, жамият мутахассисга муҳтож, скопусга юборилаётган профессор-ўқитувчининг юзидан қизартирувчи сифатсиз мақолага эмас. Демак, биринчи навбатда, профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятига баҳо бериш керак. Чунки айнан шу фаолият талабга жавоб берганда эди, малакали мутахассис тайёрлардик.

Хўш, нималарга эътибор бериш лозим? Саволга ўзим ишлайдиган аналитик кимё кафедрасида ўқитиладиган аналитик кимё фани мисолида жавоб бераман. Аналитик кимё фани намуналарни сифат, миқдорий ва структур (ички тўзилишини аниқлаш) анализ қилиш усулларини ўргатади. Аналитик усуллар ва асбоблар фанда ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида ишлатилади. Масалан, Менделеев даврий жадвалидаги кўзга кўринмас элементларнинг жуда юқори даражада ўлчанган нисбий массаси, тиббиёт лабораторияларидаги ташхис қўйиш учун ўтказиладиган бионамуналарнинг анализ, дори-дармон тайёрлашнинг ҳамма босқичида қилинадиган анализлар, экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотларнинг анализ аналитик усуллар ва асбоблар билан ўтказилади. АҚШ ва Германия каби ривожланган давлатларда озик-овқат маҳсулотларининг тозаллигига қўйиладиган талаб жуда юқори. Шунинг учун аналитик усул ва асбоб жуда кичик миқдорларни (концентрацияларни) катта аниқлик билан ишончли ўлчашга ярайдиган бўлиши керак.

Қайси усул ва мавзуларни ўрганиш олий таълим вазирлиги тасдиқлайдиган фан дастурида ёзилади? Республиканинг илгор университетларида аналитик кимёнинг фан дастурида, масалан, СамДУда 50 фоиз мавзулар кимёвий, қолган 50 фоизи эса асбобли

## Олим таклиф беради



усулларга ажратилган. Табиийки, усуллар бўйича соатлар ҳам шундай тақсимланган. Кўплаб университетларда эса кимёвий усулларнинг улуши катта. Дунёнинг илгор университетларида соатларнинг (маъруза, лаборатория ва амалий машғулотлар) камиди 60-70 фоизи асбобли, қолган 30-40 фоизи кимёвий анализ усулларига ажратилган. Демак, биз ҳам шундай қилишимиз керак.

Ҳозиргача аксарият университетлар вазирлик тасдиқлаган фан дастурлари билан ишлайди. Энди замонавий асбоб-ускуналар сотиб олина бошланди ва бир қатор университетларга академик мустақиллик берилди. Агар бу мустақиллик ичида ўқув режа ва фан дастури тузиш ҳам бўлса, вазият яхшиланиши мумкин.

Яқин келажақда аксарият олий ўқув юртилари модул-кредит тизимига ўтади. Бу тизимда фанни яхши ўзлаштириш учун талаба бир соат аудиторияда ўқиса, бир ярим соат кутубхонада ўтириши керак, яъни мустақил таълимга катта эътибор берилади. Бунинг учун ўзбек тилида китоблар бўлиши, бу китобларнинг материаллари халқаро рейтингда 500 талikka кирувчи ОТМларнинг талабалари ўқиётган китобларниқандан кам бўлмаслиги лозим. Бу соҳада фаолият кўрсатган профессор-ўқитувчиларни ҳам яхши рағбатлантириш, келажақда табиий йўналишларнинг талабалари адабиётларини инглиз тилида ўқийдиган бўлиши керак.

Ҳозир олий ўқув юртиларига киришда ўтказиладиган тест синовлари адолатли бўлаётгани учун билимли абитуриентлар танлаб олинапти. Эндиги муаммо, шу танлов асосида қабул қилинган талабга чўқур билим бера оладиган ўқитувчиларни танлашдан иборат. Ҳозирги вақтда ўқитувчининг ишга қабул қилиш асосан даъвогарнинг баъзи кўрсаткичларининг стандарт меъёрларга мос келишини текширишга асосланган. Шунинг учун бу кўрсаткичлар ҳақида маълумот қанча кўп бўлса, танлашдаги хатолик шунча кам бўлади. Бу кўрсаткичларнинг асосийларини иккита – профессор-ўқитувчининг ўз фани бўйича билим даражаси ва педагогик маҳорати, иккинчиси эса талабаларнинг унга берган баҳоси. Профессор-ўқитувчининг унвони ва даражалари, илмий ишларининг сони, фанга қўшган улкан ҳиссаси ва ҳоказо кўрсаткичлар булардан кейин туради.

Ўқиб пулини талаба тўлаяпти, билим унга керак, шунинг учун унинг фикри, талаби биринчи ўринда бўлиши лозим. Менинг таклифим – энг долзарб масалаларга жавоб олиш бўйича талабалар орасида номсиз сўров-анкета ўтказиш лозим. Агар сўровнома ҳар йили мунтазам равишда ўтказилса, олинган натижаларни аниқлик даражаси янаям юқори бўлади.

**Абдулла ҚУВАТОВ,** СамДУ доценти.

# 200 га яқин маҳалла янги бинода ишлайди

Вилоятда йил якунига қадар 200 га яқин маҳалла фуқаролар йиғинларининг биноси қуриб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Йил бошидан буюн ҳокимлик ва ҳомиёлик маблаглари ҳисобидан 42 та маҳалла янги биного эга бўлди. Март ойида 36 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини бунёд этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача Самарқанд шаҳрида “Чармгари”, Каттакўрғон шаҳрида “Нуробод” ва “Қўшқовуз”, Самарқанд туманида “Пулимўғоб”

ва “Қозирик”, Пайарик туманида “Сарбозор”, “Шўртена” ҳамда Ургант туманида “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан ушбу маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган, “Темир дафтар”да рўйхатда турувчи оилаларга ёрдам кўрсатилмоқда.

## Кун мавзуси

# Ёғингарчилик хавф келтирмаслиги учун

эътибор қаратиладиган масалалар бор

2018-2021 йилларда вилоятимизда Нуробод туманида иккита ва Пахтачи туманида битта тошқин ва сел билан боғлиқ favқулодда вазият, 20 марта кўнгилсиз ҳолат содир бўлган. Бунинг оқибатида 3 нафар фуқаро жабрланиб, шунча одам ҳалок бўлган. Сел тошқинлари 30 дан зиёд инфраструктура объектига (кўприклар, йўллар, коммунал тизимлар), 500 дан ортиқ аҳоли хонадонларига зарар етказган.

Гувоҳи бўляптисиз, жорий йилда ҳам ёғингарчилик кўп бўляпти. Мазкур табиат ҳодисаси турли кўнгилсизлик ва офат келтирмаслиги учун эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар бор.

Хусусан, дарё, канал, ариқ, зовур ва бошқа сув ўтказувчи иншоотларга яқин ҳудудлардан жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли қарори



талаблари бажарилишини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ҳўжалиги бошқармалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар назорат қилиши керак.

Шаҳар ва туманларда ариқ ва каналларни инвентаризациядан ўтказиб, тегишли хизматлар ҳамкорлигида тозалаш, таъмирлаш муҳим аҳамиятга эга. Дарё, канал, ариқ, зовур ва бошқа сув ўтказувчи иншоотлар атрофи-

да ноқонуний қурилган ва ёмғир сувлари, сел ва сув тошқинларини беталафот ўтказишга тўсқинлик қиладиган объекتلарни аниқлаш бўйича ўрганиш ишларини давом эттириш керак.

Бундан ташқари, тоғ ва тоғолди ҳудудларидан ер участкаларини ажратиш ҳамда бино ва иншоотларга кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришдан олдин ҳудудда гидрометеорологик ва геологик хавф даражаси бўйича гидрометеорология бошқармаси ва хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати Самарқанд станциясидан хулоса олиш амалиётига риоя этиш шарт.

Бугунги кунда Ургант туманида 4 та ва Самарқанд шаҳрида 1 та ҳўжалик сел хавфи бўлган ҳудудда яшайди. Уларни хавфсиз ҳудудга кўчириш, хавфли ҳудуддаги турарлиқларини тўлиқ бузиб ташлаш зарур.

Бу каби чора-тадбирлар юзга келиши мумкин бўлган хавфни камайитириб, унинг оқибатларини юмшатишга хизмат қилади.

**Нуриддин КАРИМОВ,** вилоят favқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

# Булунғурда хом ипак ва ипак момиғи экспорт қилинади

Булунғур туманидаги “Зар Олтин Пилла” МЧЖ Хитойнинг “TONGXIANG JUNCHENG IMPORT & EXPORT CO. LTD” компанияси билан пилла хомашёсини қайта ишлаш ускуналари учун 140 минг АҚШ долларлик шартнома тузди.

Ҳозирда жамият томонидан Амир Темур маҳалласидаги 2 гектар майдонда замонавий лойиҳа асосида пиллани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонасининг қурилиши бошланди. Умумий қиймати 2 миллион долларлик лойиҳа доирасида 4200 га яқин иш ўрни яратилади.

Шунингдек, ипак турли боқиш учун 3200 дан ортиқ касаначи ҳамда 811 фермер ҳўжалиги аъзолари билан шартнома тузилди. “Зар Олтин Пилла” МЧЖ ўтган йили хорижга 750,1 минг долларлик пилла хомашёси экспорт қилди. Жорий йилда хориждан 24,5 минг долларлик пилла уруғи келтирилиб, 117 тонна хомашё тайёрлаш, хом ипак ва ипак момиғи экспорт қилиниши режалаштирилган.

Ўтган йили жамият томонидан туманда 263,1 минг донга тут қўчатлари экилиб, 30 гектар очиқ майдонда интенсив тутзорлар барпо этилди. Жорий йилда “Яшил макон” дастури бўйича туманда 886 минг туп тут қўчати экилади.

**Раббим ҲОТАМОВ.**

# “КИМ БИЛАН ҲАМНАМАН, МЕН БИЛАНМИ ЁКИ У БИЛАН?”

Бугун кечки таом тайёрламоқчи бўлиб, ишимни эртароқ тугатдим. Бор меҳримни бериб, овқатга уннадим. Спорт машғулотидан қайтган ўғлим салом беришни ҳам унутиб, мени саволга тутди:

– Славикларда уруш бўлганими, аяқон? Уруш бошландими? Устозим айтдики, энди улар яна Ўзбекистонга қайтиб келишаркан.

Ўтган йили бир синфдоши оиласи билан Украинага кўчиб кетгани, ўғлим яна давом этди: Россия мен билан ўйнайсан, дебди Украинага. Украина рози бўлмаган экан, кейин уруш бошланбди. Собитхон ўртоғим шундай деди.

Ўғлимнинг саволига дастлаб нима деб жавоб беришни билмай қолдим.

### Россия ўзгардими?

Рус халқи мард, танти, уйдаги мушугио итини ҳам хафа қилмайдиган миллат сифатида танилган. Табиий ресурсларга бой, катта майдонни эгаллаган Россия минтақада ўз сўзига эга мамлакат эди. Бугун бу таърифлар унга умуман ярашмай қолди.

Тинчликни сақлаш, нима бўлганда ҳам уруш қилмаслик мақсадида имзоланган, тасдиқланган ва келишилган ўнлаб халқаро протоколлар, ҳужжатларнинг қадри бир пул бўлди.

XXI асрда бундай босқин бўли-

ши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, ҳеч ким ишонмаган ва кутмаган эди. Томири битта бўлган миллат (украинлар ҳам, руслар ҳам славян) уришмоқда.

Бугун бутун дунё бу урушни қоралапти. Россияга нисбатан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий санкциялар жорий этилмоқда. Россия рубли қадрсизланиб, рус миллиардерлари бойликларидан айрилмоқда.

Украин халқининг матонати ва жипслигини дунё халқлари эътироф этапти. Бойлари ҳам, олигархлари ҳам мамлакатни ташлаб, қочиб кетишмапти.

Россиядек қудратли мамлакат Украинадек кичик давлатни бир деганда бўйсундира олмади. Демак, ҳарбий салоҳиятга кўп ҳам ишонавермаслик керак.

Дастлаб ваъда қилингандек, Украинага НАТО, БМТ ва бошқа тузилмалардан ҳеч қандай кўмак берилмади. Ғарбдаги бошқа етакчи давлатлар урушни тўхтата олмади. Лекин бугун бир нарса аниқ – бу урушда ғолиблар ва мағлублар бўлмади.

Ўғлимнинг ўртоғи айтганидек, “ўйинлар ўйналаверди”, оддий халқ азият чекади.

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА.

## Жорий йилдан бошлаб қурилиш соҳасида фаолият юритувчи қурувчи корхоналар ўртасида ўтказиб келинаётган тендерларда инсон омилини аралаштирмасдан шаффофликни таъминлаш борасида қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 31 январда қабул қилган “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, асосан соҳавий рейтингга эга бўлган қурилиш пудрат ташкилотлари ўз соҳалари бўйича электрон тендер тизимида (tender.ms.uz) иштирок этади. Ғолиблар тендерга тақдим этилган таклифлар асосида электрон тарзда комиссия аъзолари иштирокисиз аниқланади.

Электрон тендер дастурида Давлат солиқ қўмитаси вакиллари иштирокчи корхонанинг солиқ ва йиғимларни

## ТЕНДЕРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

тўлаш бўйича боқиманда қарздорлиги мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси иштирокчининг суд ёки бошқа органлар қарорига мувофиқ мулкка қўйилган тақиқларнинг бор-йўқлигини текширади. Марказий банк томонидан эса корхонанинг мuddати ўтган кредит қарздорлиги назорат қилинади, агарда у мавжуд бўлса, электрон тендер савдоларига киритилмайди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги платформасида ўз таклифи билан қатнашган оферентлар ва бюртмачи ўртасида афилланганлик хусусиятини электрон тарзда текширади, агар бор бўлса, қурилиш ташкилоти тендердан четлаштирилади.

Шу вақтгача тендерларда қурилиш объекти бошланғич нархидан энг кўпи билан 10 фоизгача нархни пайсатириб иштирок этиш белгиланган бўлса, жорий йилдан бошлаб 5 фоизгача пайсатириш мумкин бўлади.

Шунингдек, ортиқча қоғозбозликка чек қўйиш мақсадида қурилиш пудрат ташкилотларидан электрон танловда қатнашиш учун турли ҳужжатлар талаб қилинмайди. Тендерга қўйилган объект бошланғич нархнинг 20 фоизи миқдорда айланма маблағи бўлиши сўралган бўлса, жорий йилдан бу талаб бекор қилинди. Чунки иштирокчиларнинг айримлари банклардан айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида ишонсиз маълумотнома олиб келарди. Эндиликда фақатгина тендер кафолат суммаси платформага кўчириб берилиб, объектнинг физик иш ҳажми хисоблаб чиқилиб, электрон шаклда жойлаштирилади. Тендер эълон мuddати тугагандан сўнг платформа томонидан икки иш кунда баҳоланиб, ғолиб қурилиш корхонаси аниқланади.

Демак, қайси корхонанинг рейтинг баллари юқори бўлса, тендери қўлга киритиш имконияти ҳам юқори бўлади. Ўтган йили қурилиш ташкилотлари-

нинг рейтинг 60 та кўрсаткич бўйича баҳоланган бўлса, ушбу баҳолаш меzonлари қайтарилиб, жорий йилдан 39 та кўрсаткич билан рейтинг баҳоланмоқда. Рейтинг кўрсаткичларини аниқлашда ташкилотнинг фаолияти, тажрибаси, кадрлар сиёсати, молиявий кўрсаткичлари, рақобатбардошлиги ва моддий-техник базаси хисобга олинди. Бундан кейин қурилиш соҳасидаги тендерларга инсон омили аралашининг олди олинади. “Фалончининг ўқаси экан”, “фисмадончининг жиъни экан”, дея ёрдам қилиб бўлмайди. Ғолибликни фақат юқори рейтинг балларига эга бўлган салоҳиятли ташкилотлар қўлга киритади. Тендер танловларида ўзгариш қилишдан асосий мақсад шаффофлик ва очиқликни таъминлашдан иборат.

Алёр СУЮНОВ,  
вилоят қурилиш ва  
танлов савдоларини  
ташкил этиш консалтинг  
маркази бўлим бошлиғи.

## Ер участкасини хусусийлаштириш мутлақо ихтиёрий лекин бундан фуқарога нима фойда?

**Биринчидан**, ерга бўлган мулк ҳуқуқи эга бўлмасиз. Дейлик, “Ҳовлимнинг бир қисмини ўғлимга ҳада қилмоқчиман ёки кимгадир бермоқчиман, ярмини сотмоқчиман”, дейсиз. Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ер участкасини қисмларга бўлиб сотиш имконини беради. Қанчасини кимга сотиши мулкдорнинг хоҳиши, ер ўзиники.

**Иккинчидан**, ерни сиздан давлат олиб қўя олмади, фақат сотиб олиши мумкин. Қонунчиликда давлатга тегишли ерлар ёки бошқа шахслар фойдаланишида бўлган ерлар олиб қўйилиши назарда тутилади. Мулк ҳуқуқидан бошқа 5 та ҳуқуққа тегишли бўлган ер участкалари олиб қўйилиши мумкин.

Сиз ерингизга нисбатан мулк ҳуқуқини олишингиз билан (хусусийлаштириш орқали) давлат шунчаки сизга тегишли бўлган ерни олиб қўя олмади.

Агар ер участкаси давлатга керак бўлса, сиздан бозор нархида, шартнома асосида сотиб олиши мумкин. Сиздан давлат ерингизни келишилган нархда сотиб олсагина, ер давлатга ўтади. Ер “снос”га тушиб кетмайди. Бу мулк ҳуқуқининг кафолатлангани.

**Учинчидан**, ерингизни эркин қўйиш, тақсимлаш ва ажратиш ҳуқуқи эга бўласиз. Қонунчиликда шу кунгача мулк ҳуқуқи ер участкасига нисбатан бўлмаган. Ер участкаларини қўйиб юбориш,

ажратиш ва қайта тақсимлаш механизмлари бор. Шу механизмлар ер участкасига мулк ҳуқуқи бўлмагандагина ишлайди. Бунинг учун маълум ҳудудда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи кўпайса, механизмлар эффеkтини кўрамай.

**Тўртинчидан**, ердан гаров сифатида фойдаланиш имконияти ерга нисбатан мулк ҳуқуқини олганингиздан кейин ундан гаров объекти сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Ерни мулк сифатида банкка гаровга қўйиб, ипотека олиш имконияти ҳам юзага келади.

Розик ИМОМОВ,  
вилоят суди судьяси.

## НАВРЎЗ БАҲОНА

инсонлар кўнгли тоғдек кутарилди



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд шаҳар бўлинмаси кенгаши Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кўплаб инсонлар хурсандчилигига шерик бўлди.

Ўзбекистон “SOS” болалар маҳаллари уюшмаси Самарқанд филиалининг 10 нафар ходимларига совғалар улашилди. Тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида фаолият юритаётган 27 та кам таъминланган оилага, 5 нафар ногиронлиги бўлган шахсга моддий ёрдам кўрсатилди, 21 нафар меҳнат фахрийлари ва 1 нафар ёлғиз қарияга қимматбаҳо эсдалик совғалари олиб берилди.

Шунингдек, байрам кунларида, яъни 23 март кунини тизимдаги 100 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим учун Бухоро шахрига саёҳат уюштирилди.

## ТАЖРИБАЛИ ШИФОКОРЛАР МАҲОРАТИ БЕМОР БОЛАЛАРНИ ОИЛАСИГА ҚАЙТАРМОҚДА



### Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли табибӣ маркази вилоятимиздан ташқари, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятлари аҳолисига, Тожикистон ва Қозоғистондан келган беморларга ҳам табибӣ хизмат кўрсатиб келмоқда.

Марказда 200 қатновга эга стационар бўлими фаолият кўрсатади. Ўтган йили шифокорларга 180 мингдан ортиқ бемор муружаат қилган бўлса, 24 минг нафар болакай ётиб даволанди.

Шифохонанинг тажрибали мутахассислари томонидан ўндан зиёд юқори технологик хизматлар кўрсатилади. Шунингдек, кардиожаррохлик ва ангиоожаррохлик амалиётлари, юз-жағ нуқсонлари, ортопедик ва нейроортопедик ҳамда мураккаб турдаги нейрохирургик операциялар ўтказилмоқда.

– Ҳар йили 12-15 нафар ёш мутахассисларимиз табибӣ ривожланган давлатларнинг етакчи клиникаларида тажриба ошириб келмоқда, – дейди шифохона бош врач Кўрбанов Азизов. – Жумладан, Ж.Қурбанов ва Қ.Ибрагимов Германия ва Россиядаги табибӣ марказларида замонавий лапароско-

пия ускуналари ёрдамида мураккаб операцияларни амалга ошириш бўйича малака ошириб келди. Шунингдек, Москва шаҳридаги А.Бокулев номидаги юрак-қон томири хирургияси илмий марказида ишлаган самарқандлик ёш мутахассислар учун марказимизда шарт-шароит яратиб бердик.

Муассасада Инвестиция дастури асосида 11 миллиард сўмлик реконструкция ишлари бажарилди, замонавий табибӣ асбоб-ускуналар билан таъминланди. Жумладан, Германиянинг KWF банки маблағи ҳисобидан 62 турдаги замонавий табибӣ технологиялар келтириб ўрнатилди. Сунъий буйрак (геодиализ) аппарати, УТТ-доблер кардиоманометр, чақалоқлар реанимация столи ўрнатилди. Бемор чақалоқларга табибӣ хизмат кўрсатувчи махсус тез табибӣ ёрдам машинаси келтирилди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**  
Самарқанд шаҳридаги «RIELTOR XIZMATI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 309272724) ўз номини «MIR NEDVIJIMOSTI» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «MIR NEDVIJIMOSTI» масъулияти чекланган жамияти «RIELTOR XIZMATI» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдод кўчаси, 8-уй, 4 хонадон.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри Чуккур йўл кўчаси, 9-«Б» уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фархатович нотариал идорасида марҳум Курбанов Давлатга (2020 йил 23 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фархатович нотариал идорасига муружаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Чуккур йўл кўчаси, 9-«Б» уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасида марҳум Мухомедов Махмуджон Ражабовичга (2020 йил 18 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасига муружаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюпович нотариал идорасида марҳум Мамаитов Санакулга (2021 йил 9 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюпович нотариал идорасига муружаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасида марҳум Иззаев Шавкатга (2019 йил 17 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасига муружаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заирова нотариал идорасида марҳум Ахмадиева Светлана Владимировнага (2018 йил 28 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заирова нотариал идорасига муружаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасида марҳум Джуракулов Давронкулга (2017 йил 10 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасига муружаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Булунғур туманидаги 1-ихтисослашган давлат умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Салаидинова Мафтунга Рустам қизи номига берилган UM № 0938794 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги “MINGTEPA TRANS” масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабидан 2016 йилда Қаҳорон Хурсанмурод Абдухўшим ўғли номига берилган U № 7465380 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд санъат коллежидан 2015 йилда Оминов Анвар Камолович номига берилган рўйхат рақами 550, K № 3805651 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар транспорт ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежидан 2015 йилда Акрамов Масариддин Исроил ўғли номига берилган K № 3806615 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Собиров Бобир Равайн ўғли номига берилган U № 5889797 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч табибӣ коллежидан 2016 йилда Ҳошимов Алимурдон Бекзод ўғли номига берилган рўйхат рақами 183, K № 4246218 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут агротадбиркорлик ва сервис касб-хунар коллежидан 2014 йилда Яхшибоев Абубакир Исроил ўғли номига берилган рўйхат рақами 50, K № 3214424 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университетидан 2011 йилда Алмарданов Хаёт Хамзаевич номига берилган рўйхат рақами 332, B № 555423 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университетидан 2011 йилда Абулқосимова Парвина

Абдухакимовна номига берилган рўйхат рақами 363, B № 555508 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 63-ўрта мактабдан 1993 йилда Джалалова (ҳозирда Шукурова) Мадина Соловьева номига берилган A № 248433 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент давлат медицина институтидан 1990 йилда Рузибаев Баҳриддин Равайн номига берилган рўйхат рақами 45492, UB-I № 066008 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Нарзиқулов Жаҳонгир Фахриддинович номига берилган U № 5879206 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд Сиб табибӣ коллежидан 2014 йилда Дониёрова Сарвиноз Дониёр қизи номига берилган рўйхат рақами 524, K № 2957093 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Қаюмова Фарангиз Улуғбек қизи номига берилган UM № 5343093 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шу йилнинг 14-19 март кунлари Фарғонада анъанавий "Чимён" медиа-форуми бўлиб ўтди. Унинг бор ўтказилган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан оммавий ахборот воситалари вакиллари, жумладан, ўн нафар самарқандлик журналист иштирок этди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ "ЧИМЁН"ДА ЁНМА-ЁН БЎЛДИ

## МЕҲМОНДЎСТ ФАРҒОНАЛИКЛАР

Самарқанддан Фарғонагача поездда қарийб 12 соат йўл юрди. Марғилон темир йўл вокзалида бизни аввало, вокзал ходимлари хушмуомалалик билан қарши олди ва чиқиш йўлагига кузатиб қўйди. Ташқарида спорт формасидаги, ёши катта, аммо чақонлик билан у ёқдан-бу ёққа елиб-югураётган бир киши биздан самарқандлик мисизлар, деб сўради.

У бизни автотураргоҳдаги микроавтобусга таклиф қилди. Мезбонни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбарининг ёрдამчиларидан бири бўлса керак, деб ўйлагандик. Кейин билсак, у киши раҳбарнинг ўзи – Мухаммадҷон Обидов экан. "Ўзбекистон" телеканали орқали бутун мамлакатга танилган, маҳоратли устоз журналистга бўлган ҳурматимиз янада ошди.

Фарғона туманининг Чимён қишлоғидаги сихатгоҳга жойлашдик.

## МАШҒУЛОТЛАР САМАРҚАНДЛИКЛАР ЧИҚИШИ БИЛАН БОШЛАНДИ

Медиа-форумнинг дастлабки машғулотлари Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси раиси О.Усаров, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Қўчимов, таниқли журналист Карим Баҳриев матбуот эркинлиги ҳақида сўз юритди.

Шу кунни "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталарининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Газеталаримиз ва уларнинг тарихига тўхталмайман, - деди бирлашган таҳририят бош муҳаррири Ф.Тошев. - Мухбирларимизнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида гапирмоқчиман. Ютуқларимиз ўзиниқимни, камчиликларимизни бартараф этишимиз керак. Одамлар газета ўқимай қўйди, деймиз. Ҳўш, нима қилишимиз керак? Газетанинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Газета ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларни бир-бири билан боғлаш учун чораларни кўряпмиз. Масалан, қизиқарли материалнинг бир қисмини газетага жойлаштириб, давомини "QR" код орқали сайтда ўқишга таклиф қиламиз ёки аксинча.

## ЯПОНИЯЛИК ЖУРНАЛИСТДАН "МАСТЕР-КЛАСС"

Медиа-форумнинг иккинчи кунинда Ўзбекистоннинг Япониядаги факулдада ва муҳтор элчиси Мухсинхўжа Абдураҳмонов ҳамда "TOKIO MX" телекомпанияси халқаро алоқалар бошқармаси

бошлиғи Нобуёши Широта иштирокидаги вебинар-тренинг барчада қизиқиш уйғотди.

- Япония медиаси беш турга бўлинади: газета, радио, телевидение, журнал ва электрон журналистика, - дейди хорижлик журналист Нобуёши Широта. - Оммавий ахборот воситалари орасида газеталар энг оммабоп ҳисобланиб, кучли таъсирга эга. 1990 йилдан "интернет эраси" бошланган бўлса-да, газета ва радио таҳли кучига эгалиги боис етакчиликини кўлдан бой бергани йўқ.

Видеомулукот сўнггида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Мухаммадҷон Обидов япониялик турт нафар журналистни тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонга таклиф этди.

## "НАВРЎЗ" - МУСИҚА АСБОБИ

Медиа-форум иштирокидаги ҳар кунги машғулотлардан аввал сихатгоҳда тиббий муолажалар олган бўлса, маърузалардан сўнг маданий тадбирлар, ижодий учрашувларда қатнашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулхай Каримов, "Шуҳрат" медали соҳиби Шерали Раҳмонов, фарғоналик яна бир таниқли хонанда Валижон Қодиров билан учрашувлар журналистларда катта таассурот қолдирди.

Истеъдодли санъаткор Шерали Раҳмонов гоёси асосида уста Мухаммадҷодид Мамадалиев тут дарахти ёғочидан ясаган "Наврўз" мусиқа асбоби ва ундан таралган куй кўпчилиқнинг эътиборини тортиди. Тузилиши скрипка ёки ғижжакка бироз ўхшаса-да, унинг оҳанги кўнгилларга ўзгача завқ олиб қиради. Шерали Раҳмонов "Наврўз"да мусиқа чалиб, мумтоз ашулалар айтиб берди.

## ЁЗЁВОННИНГ ЁЗИ ЁМОНАС

Медиа-форум доирасида биз - "Зарафшон"чилар Ёзёвон туманининг "Марказий Фарғона" газетаси таҳририятида бўлдик. Бу ерда туман ҳокими Дилшоджон Жалилов, фахрий журналистлар ва таҳририят ходимлари билан учрашдик.

Айтишларича, қадимда бу туман ҳудуди чўл, қумлоқликлардан иборат бўлиб, ёзи жуда иссиқ бўлган экан. Туман номи ҳам "ёзи ёмон" маъносида Ёзёвон деб аталган. Бугунги кунда бу ҳудудда кўркам шаҳарчалар, боғ-роғлар барпо этиляпти.

- Туманимиз водининг марказида жойлашган бўлиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини боғлаб туради, - дейди туман ҳокими. - Шунинг учун ҳам газетамизнинг номи "Марказий Фарғона". Кейинги йилларда ҳудудимизда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу кунларда 136 та кўп қаватли уйни ўз ичига олган

## Медиа-форум



"Янги Ўзбекистон" шаҳарчаси бунёд этиляпти. - Таҳририятимиз ҳар доим ҳоқимлик эътиборида, - дейди "Марказий Фарғона" газетаси муҳаррири Азимжон Худойқулов. - Янги шаҳарчада қурилаган уйдан бирига "Ижодкорлар уйи" деб ном берилиши режалаштирилган. Бу уйда ўндан зиёд журналист, ёзувчи ва шоирлар яшайди. Уларга бу хонадонлар субсидия асосида берилади.

Таҳририят ҳовлисида мўъжазига боғ ва икки сотихлик иссиқхона ҳам барпо этилган бўлиб, бу ерда ҳозирча таҳририят ошхонасида тайёрланадиган тушлик учун зарур бўлган сабзавот маҳсулотлари етиштирилган экан.

## БИР ОЛАМ ТААССУРОТ БИЛАН ҚАЙТДИК

Форумда мамлакатимизнинг Қорақалпоғистонидан то Андижонигача бўлган ҳудудлардан борган журналист ва блогерлар бир-бирлари билан танишиди, тажриба алмашди. Беш кун давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги медиамаркази раҳбари Бобур Алихонов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзоджон Қудратхўжа, "Жаҳон" ахборот агентлиги бош директори Садриддин Суяров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Дониёр Ғаниев, Умиджон Жабборов, "Жаҳон адабиёти" журналин бош муҳаррири Аҳмадҷон Мелибоев, "Америка овози" ахборот агентлиги муҳбири Навбарҳон Имомова, шунингдек, Исмат Хўшев, Анаора Соҳидқова, Соҳиба Муллаева каби таниқли журналистларнинг маърузаларини тинглаб, ўзимизга керакли маълумотларни олдик.

Тадбир доирасида Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдик. "Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда" газеталари таҳририяти билан танишдик.

Бизни медиа-форумнинг асосий ташкилотчиси Мухаммадҷон Обидов Марғилон темир йўл вокзалига кузатиб қўйди. Бир ҳафта давомида "Чимён"да ёнма-ён бўлган журналистлар ҳамкорлиқда, елкама-елка бўлиб, соҳа ривожини учун хизмат қилишга аҳд қилиб, ўз манзилимиз томон йўл олдик.

Тўқлиқ СИДДИҚОВ, Ҳўсан ЭЛТОЕВ (фото). Самарқанд - Фарғона - Самарқанд

## ХАЛҚНИНГ ДУОСИ УЛУҒ

Ҳаётда кимки билим ва салоҳиятини фақат ўзининг яхши яшаш мақсадида ишлатадиган бўлса, бундай одам бир нарсасига, яъни ўз ҳаётини яхшилашгагина эришади. Агар халқ ҳаётини яхшилашга бағишлаган бўлса, ундан бутун халқ манфаатидор ва элнинг ҳурматига сазовор бўлади. Мамаюнон ПАРДАЕВ.

## Каттақўрғон шаҳридаги кўчага Баҳодир Йўлдошев номи берилади

Бу ҳақда вилоят ҳоқимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия йиғилишида маълум қилинди.



Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режисёрнинг номини абадийлаштириш мақсадида Каттақўрғон шаҳридаги "Хайдарҷаман" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Нуроний кўчасини Баҳодир Йўлдошев номига ўзгартириш таклиф этилди.

Бундан ташқари, Самарқанд туманидаги "Паррандачилик" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли аҳоли пунктини Меҳробод, "Ширинобод" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли номсиз аҳоли пунктини Илонсой деб аташ таклиф қилинди.

Комиссия томонидан Каттақўрғон шаҳридаги номсиз, номлари тақрор ва қонун талабларига мос келмаган кўча, хиёбон, майдон, қабристонлар, Самарқанд туманидаги аҳоли пунктлари, Жомбой туманидаги қабристон, истироҳат боғи, зиёратгоҳлар, Паст Дарғом туманидаги номсиз кўчани номлаш ҳақидаги таклифлар тасдиқланди.

## Мулоҳаза

## Инсон нега яшайди?

Бу саволга жавоб бермаган аллома йўқ. Лекин нега биз ҳар қадамда ҳаётда адашганларга, ўз йўлини тўғри топа олмаганларга дуч келяпмиз. Мана, улардан бири.

... Абдусалом домла хотини билан арзиманган масалада тортишиб қолди. Хотинининг маҳмадонлиги институт ўқитувчисига маъқул тушмади. Шу сабабли, низо қаттиқ айтишувга айланди. Оқибатда Абдусалом "Озгинни ёп, ҳой шаллақи! Агар яна бир бор гапимни қайтарсанг, жавобингни бериб, онаси ўлмаганига уйланаман", деб юборди.

Турмуш ўртоғи ҳам паст кетмади: - Жонимга теги, боринг, уйланаверинг!

- Уйланаман, ёшига, қоматлисига уйланаман!

Домла анча вақт ҳовуридан тушмади. Гарчи, мақтанганидек онаси ўлмаганига эмас, балки сирдан қўлида ўқийдиган битта ўғли бор аёлга уйланган бўлса-да, шаштидан тушмади. Хотин ҳам қараб турмасдан унинг ахлоқи устидан ишхонасига ёзаверди. Ажралиш, болаларга алимент ундириш учун судга берди. Хуллас, Абдусалом домланинг дарсдан бўш вақти тушунтириш хати ёзишу судма-суд юришдан иборат бўлиб қолди.

Бир кун учрашиб, ҳол-аҳвол сўрасам, бояқиш йиғлаб юборди: - Ўша пайти тортишувга керосин сепмасдан, бир гапдан қолсам ўламанми, жўра?!

Ҳўш, ана шу "керосин сепиш"нинг сабаби нимада? Биз нима учун доимо омад ва омадсизлик, тўқлик ва йўқчилик, ором ва ташвиш бира бўлишимиз, бахт, молу дунё, хатто дард ҳам вақтинчалик эканини ва улар кўзимиз юмилгунга қадар бизнинг вужудимизда, ҳаётимизда

бўлишини нега тушуниб етмаймиз? Нега тушунишни хоҳламаймиз?

Менимча, бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси - илмсизлик, иккинчиси - фаросатсизлик. Абдусалом домла мисолида биз ана шу иккинчи ҳолатга дуч келдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен ҳаётга нега келдим, нега яшяпман, кимга яхшилик қилдим, кимга ёмонлик қилдим, деган саволларга жавоб излаш қийинми? Йўқ, қийин эмас, лекин биз истамаймиз. Чунки ҳаётимизнинг бир меъёрадаги оқими бизга маъқул тушади. Жонимизни-ку, майли, аклимизни, фикримизни қийнагимиз келмайди.

Натижада ақлли, одобли одамлар ҳам кўзимизга ёмон қўринадиган пайтлар бўлади. Ваҳоланки, ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд ҳаётда ҳайвондан фарқсиз яшаётганларни Худонинг бандалари эмас деб, ташвишсиз еб-ичиб юрганларни кесақка ўхшатганини биламиз.

Агар биз омадга ҳаракат билан эришиш мумкинлигини, бошимизга мусибат тушганида тириклар билан ишлаш кераклигини, омад чопганда уни мустаҳкамлаш лозимлигини, бировга бепиёнда бўлганларини бу ҳаракат ўзимизга ҳам қайтиб келишини тушунсак, ҳаётда кўнглимиз истаган нарсасга эришишимиз мумкин. Афсуски, илмсизлик ва фаросатсизлик бизни шайтон ҳийласига нишон қилади.

Инсон ҳаёти ҳар доим бир хил кечмайди. У кунига минг, миллион марта-лаб ўзгаради: гоҳ қувонади, гоҳ асаби чиқади. Аммо яхши ният, сабр ва тоза фикр ҳар қандай ҳолатда ҳам ана шу рутубатни ёрита олади, яъни сизни гўзал ҳаётга чорлайди. Ана шу чорловни барча сезишини истайман.

Муродим УМРЗОҚОВ.

# Инженер ГАРИННИНГ ДАҲШАТЛИ ИХТИРОСИ

Совет адабиётининг энг яхши фантастик романи - Алексей Толстойнинг "Инженер Гариннинг гиперболюиди!" асарини ўқиганлар яхши билади, роман қаҳрамони инженер Гарин ақл бовар қилмас қувватга эга қурол устида ишлайди. У ихтиро қилган қурол ҳозирда лазер деб аталади. Лекин бугунги лазер қуроллари ҳақида 1920 йилларгача гап ҳам бўлмаган.


Асарда инженер Гарин яратган нур душман жанговар техникасини ёғдек кесади, мумдек эритиб юборади. Роман фантастик асар. Аммо 1920 йилларда у олимпларга шунга ўхшаш қурол яратишининг назарий жиҳатлари ҳақида жиддий бош қотаришга туртки беради.

...Ҳаммаси тасодифан бошланди. 1924 йилда ёзувчи Царское Селода дам оларди. Физика ва математика ўқитувчиси Аполлон Аркадьевич Цимлянский билан танишиб қолади. Қизиги, асар қаҳрамони инженер Пётр Гарин сингари Цимлянский ҳам жиддий олим эди. У занжирили реакциянинг математик моделини яратишда европалик ҳамкасбларидан анча ўзиб кетганди. Бирок СССРда у ўзининг гоё ва назарияларини қўллаб-қувватловчи топмади.

Асар қаҳрамонининг реал ҳаётдаги бу прототипи билан ҳам ҳайратомуз саргузаштлар рўй берди. Цимлянский Европада илмий сафарга жўнаб кетди. Немис концентрини - "Крупна"нинг ишда қолиш тақлифини қабул қилди. Бу ерда у ўз гоёларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятга эга бўлди. 1932 йилда келажақ космик дастури муаллифи Вернер фон Брауннинг маслаҳатчиси этиб тайинланди. У Учинчи Рейхнинг энг махфий ҳарбий лойиҳаларида ҳам бемалол иштирок этиши мумкин эди. Германияда собиқ совет омили баллистик ракеталарда космосга чиқариладиган реактив самолётлар лойиҳасини яратишга раҳбарлик қилди. Шунингдек, Ойга экспедиция лойиҳаси устида олиб борилаётган ишларни бошқарди.

Турган гап, бу СССР маҳсул хизмат маҳкамаларининг газабини кўзгади. Душманга хизмат қилаётган олим 1938 йилда СССР элчихонасига қақирилди. Ундан ватанга қайтиш қаттиқ талаб қилинди. Аммо ўзининг Фарбдаги ҳаётидан кўнгли тўқ Цимлянский талабини рад этди. Бу билан у ўз ўлимига ҳўкм ўқиган эди. Эртаси кунни Потсдамдаги хонадонда уни овқатдан захарлананг ўлган ҳолда топшиди. Аммо узок масофага вайрон қилувчи кучли нур энергиясини етказиш қилишмаси устида ишлар тўхтамади. Бу лойиҳани уйдаги лабораториясида Михаил Филиппов давом эттирди. Унинг таъкидлашича, бу қурилма орқали йўналтирилган энергия билан Москвадан туриб Константинополнинг қулини кўкка совуриш мумкин экан. Айғоқчилар бу даҳшатли қурол ҳақида хабар топиб, уни рус ҳарбийлари қўлида бўлишининг олдини олиш чораларини кўришди ва Филипповни ўлдирди. Унинг чизмалари ҳам гоёиб бўлди. Тоғаймурод ШОМУРОДОВ тайёрлади.

## Тегирмонбошилар қадимги сув тегирмонларини тикламоқчи



Самарқанднинг Нуробод туманида Тегирмонбоши номи билан аталадиган маҳалла бор. Қадимий Жом қишлоғининг бир қисми бўлган бу маҳаллада халқимизнинг қадимий удумлари, ўлмас қадриятлари бугунги янгича турмуш тарзига уйғунлашган. Маҳалланинг кўҳна тарихини Омондара булоғидан оқиб келувчи Жом сойидан айро тасаввур этиб бўлмайди. Соё сувидан ота-боболаримиз ўринли фойдаланган. Ариқлар озода сақланган ва ифлосланишининг олди олинган. Ўша даврлардаги булоқдан анча узокда бўлган ариқлардаги зиполликни қишлоқ аҳлининг сувни ҳовучлаб ичганидан билиш мумкин.

Тоғлар бағридаги булоқдан оқиб чиқадаган бу сув Омондара, Тегирмонбоши, Гирдиқўрғон маҳаллаларидан ўтиб, қуйи Жомга етиб келганида ҳам истеъмолга яроқлигини йўқотмаган. Кексаларнинг хотирлашича, илгари булоқ сувидан 20-30 километр масофага қўзилган бутун Жом қишлоғи аҳолиси фойдаланган.

Тегирмонбошида ўнга яқин сув тегирмонлари бўлиб, маҳалланинг бошланишида (ҳозирги 21-маклат ёнида) бир эмас, учта тегирмон ишлаган ва қишлоқнинг ўша қисми "уч тегирмон" деб аталган. Собиқ иттифоқ даврида бу ном "Ўрта қишлоқ"қа ўзгартирилган.

Маҳалланинг географик жойлашуви халқ турмуш тарзига таъсир кўрсатган. Омондарадан бошланган Жом сойининг қишлоқ бўйлаб оққани, бозор, халқаро автомобиль йўли ва темир йўлнинг ақинлиги тегирмонбошиликларнинг имкониятини янада оширган. Ўтмишда бу масканда илм-фан, маданият ривожланган. Ҳўнармандчилик, деҳқончилик, савдо алоқалари борасида маҳаллий аҳолининг ўрни

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 21 993 nusxada chop etildi. Buyurtma 199. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» ta'hiriyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: D.TO'XTAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 1772010667009 Sotuvda narxi kelishilgan holda